

«Тасдиқлайман»
«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари



Э. Алимов

2018 йил

**“Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси
Инвестиция ва янги технологияларни
жорий этиш бошқармасининг**

Н И З О М И

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда “Компания” деб юритилади) Инвестиция ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (кейинги ўринларда “Бошқарма” деб юритилади) фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Мазкур бошқарма компания ва таркибдаги корхоналарга инвестициялар жалб қилиш, соҳага замонавий янги технологияларни жорий қилиш мақсадида ташкил этиладиган мустақил таркибий бошқарма бўлиб, Молия, маркетинг ва инвестиция масалалари бўйича бошқарув раиси ўринбосарига бўйсунди.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) компания таркибидаги корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгилаб берилган вазифаларни мувофиқлаштириш ва ягона инвестиция ҳамда янги технологияларни жорий қилиш сиёсатини амалга ошириш;

б) тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва техник қайта жихозлаш учун инвестицияларни жалб қилишда уларга кўмаклашиш;

в) донни қайта ишлаш бўйича замонавий технологик ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи хорижий ташкилотларни аниқлаш, улар билан маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш ва компания раҳбариятига таклиф киритиш;

г) компаниянинг тегишли бошқармалари билан биргаликда тармок корхоналарида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, фаолиятни кенгайтириш, мавжудларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқиш, компания раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этиш, белгиланган тартибда келишиш учун тегишли вазирлик ва идораларга киритиш. Зарур ҳолларда белгиланган тартибда унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

д) дон қабул қилиш корхоналари, элеваторлар, тегирмонлар, ун, ёрма, нон ва омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳудудий талаб эҳтиёжларига мувофиқ қувватлардан фойдаланиш даражасини аниқлашда иштирок этиш, уларнинг моддий-техника базаси самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, модернизация ва қайта жиҳозлашнинг асосий йўналишларини компаниянинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда ўрганиш ва компания раҳбариятига тақлиф киритиш.

5. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

а) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича талаб қилинадиган кредит ҳужжатлари (папкаси)ни, жумладан бизнес режа, техник иқтисодий асослаш (ТЭО), технологик ускуналарни сотиб олиш бўйича контракт тузиш ва консалтинг хулосасини олиш ҳамда бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича тармок корхоналарига амалий ёрдам кўрсатади;

б) тармок корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва уларнинг молиявий ҳолатларини яхшилаш мақсадида тежамкор ва замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича тақлифлар киритади;

в) “Манзилли қурилиш рўйхати”га киритилган объектларда капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича маълумотларни тайёрлайди ва тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этади;

г) тармок корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини замонавий янги технологияларга мувофиқлиги юзасидан Дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва маҳсулотларнинг янги турини жорий этиш бошқармаси томонидан ўтказиладиган техник аудитини ўтказишда иштирок этади;

д) компаниянинг тегишли бўлинмалари ва таркибдаги корхоналар билан биргаликда соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

е) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича энг арзон ва қулай пул маблағларини белгилашда таркибдаги корхоналарга амалий ёрдам кўрсатади;

и) маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

к) компанияда меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қондаларига риоя қилинишини таъминлайди, бу борада таркибдаги корхоналарга амалий ёрдам кўрсатади ва ходимлар малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

л) халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида компания ва таркибдаги корхоналар иштирокини таъминлайди ҳамда биржа доирасида шартномалар тузилишини мувофиқлаштиради, ижроси бўйича мониторинг юритади;

м) компания ва таркибдаги корхоналарда ёқилги-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни иқтисод қилишни ташкил этади, ишлаб чиқаришда кам ёқилги-энергетика сарфланадиган технологияларни жорий этишда корхоналарга амалий ёрдам кўрсатади, ёқилги-энергетика ресурсларидан (табiiй

газ ва электр энергия) самарали фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни тайёрлайди ва тегишли ташкилотларга тақдим этади.

н) компания ва таркибдаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси Хукумати белгилаган миқдорларда қора ва рангли металл, қоғоз чиқиндиларини топширилишини ташкил этади. Ҳар ойда режанинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тайёрлайди ва раҳбариятга тақдим этади.

III. Бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ўз ваколати доирасида компания таркибига кирадиган корхоналар фаолияти, уларнинг манфаатлари ва муаммоларининг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва компания раҳбариятига тақдим этиш, янги технологияларни жорий этиш, тармоқ корхоналарида бошқармага юклатилган вазифалар бўйича ишларни ўрганиш, инвестицияларни жалб қилиш, капитал маблағлардан самарали фойдаланиш, манзилли қурилиш дастурларини бажарилиши, меҳнат муҳофазаси, ва ёнғин-портлаш хавфсизлиги, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Бошқарув кенгашида муҳокама қилиш учун таклифлар киритиш;

б) бошқарма иш фаолиятига тегишли бўлган ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни компания бўлинмаларидан ҳамда тармоқ корхоналаридан талаб қилиш;

в) таркибдаги корхоналар билан бошқарма фаолиятига тегишли масалалар бўйича ёзишмалар олиб бориш;

г) манзилли қурилиш дастурига киритилган корхоналарда лойиҳа-смета ҳужжатларни тайёрланиши, молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги, усқуналар ва материаллар, ҳамда бошқа маҳсулотлар билан бутлаш ишларини ҳолатини ўрганиб чиқиш.

7. Бошқарма қуйидагиларга мажбурдир:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, компаниянинг бошқарувининг қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмаларини бошқарманинг ваколати доирасида бажарилишини таъминлаш.

б) бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича белгиланган ҳисоботларни ўз вақтида корхоналардан олиш ва умумлаштириш, ҳамда тегишли ташкилотларга тақдим этишни таъминлаш.

8. Бошқарма қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда мажбуриятларга эга бўлади.

IV. Бошқарманинг жавобгарлиги

9. Бошқарма ходими ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.